



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБОЙЖОН:

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Ўзбекистон ва Озарбойжон – тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин мамлакатлар саналади. Бу дўстликнинг илдизлари эса узок тарихдан қувват олади. Бугунги кунда қардош ва қондош давлатлар ўртасидаги сиёсий-ижтимоий, маданий, иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг жадал ўсиши кузатиш мумкин. Озарбойжонда Ўзбекистон автомобиллари йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани самарали ҳамкорликка мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг прагматик ва истиқболли сиёсати асосан ҳар икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродасига таянади. Давлатларимиз БМТ, МДҲ, ШҲТ, ТДТ каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилади. Бироқ бугунги кунда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликлар ва олдидан таҳмин қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳисобга олинса, икки томонлама ҳамкорлик энг самарали шерикчилик формати бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбойжон Республикасига амалга оширган расмий ташрифнинг тарихий аҳамияти каттадир. Ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, ташқи сиёсий ва бошқа идоралар, таҳлилий доиралар ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбоқлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда. Қўша корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир драйвери сифатида икки мамлакат ҳудудларининг имкониятлари максимал даражада ишга солинади. Ҳокимлар, маъмуриятлар раҳбарлари янги кооперация лойиҳалари ва гуманитар алмашинуви илгари суриш учун жойларда мунтазам учрашадилар. Бизнингча, қўша лойиҳаларни

қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон – Озарбойжон инвестиция компаниясининг самарали фаолиятини таъминлаш мумкин аҳамиятга эга.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқотни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўрта коридор орқали юк ташиниш кўпайтириш, логистика ва портлар инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш биз учун катта қизиқиш уйғотади. Айниқса, Транскаспий йўлаги доирасида қўша логистика компаниясини ташкил этиш ҳамда Боку шаҳри ва унинг мамлакатлар портларида омборхона инфратузилмаси ва логистика марказларини барпо этиш чоралари муҳокама қилиниши айни муддао бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасида

Олий давлатлараро кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолашгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Яқин йилларда учинчи мамлакатлардан қиммат импортнинг ўрнини миллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан босиш орқали товар айирбоқлашни 1 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжудлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

O'zLiDeP ва "Ени Азербайжан" ("Янги Озарбойжон") (ПЕА) партиялари орасидаги ҳамкорлик ҳам давлатлараро муносабатларнинг йўналишларидан бири сифатида фаоллашишига ишончимиз комил. Ҳар икки партиянинг ҳам ўз мамлакатларидаги барча ислохотларда фаол иштирок этиши бўйича ғоявий қарашлари ғоят ўхшаш. Шундай экан, Ўзбекистон ва Озарбойжон давлатлари раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувларни амалга татбиқ этишга ҳар икки партия электорати муносиб ҳисса қўша олади.

Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP Сиёсий Ижроия кўмитаси раиси

"XXI ASR" ГАЗЕТАСИДА МАҚОЛА БОСИЛГАН...

АННА ГЕРМАН ХОРАЗМГА "ҚАЙТДИ"!

Муносабатимизни Хоразм вилояти ва Урганч шаҳри ҳокимларига миннатдорлик билан бошлаймиз. Сабаби, газетамизнинг 3 августда chop этилган 32-сонида муҳбиримиз Рўзимбой Ҳасаннинг "Анна Герман – Урганчнинг "ўғай" қизи(ми)!" сарлавхали танқидий чиқишида ҳукумат раҳбари 2021 йил 3 майда имзолаган Урганч шаҳридаги болалар музика ва санъат мактабига шу ерда туғилган таниқли польяк хонандаси Анна Герман номини бериш ва ҳовлисига ҳайкали ўрнатиш ҳақидаги чора-тадбирларда белгиланган вазифа ҳозиргача ижро қилинмаётгани ҳақида сўз борганди.



АННА ГЕРМАН:

МЕН ЎЗБЕКИСТОННИНГ
УРГАНЧ ШАҲРИДА
ТУГИЛГАНМАН ВА КАТТА
САНЪАТГА ЙЎЛ ОЛГАНМАН!

Давоми 6-саҳифада. ▶▶

ЭЪТИРОФ



**ХАЛҚЧИЛ
СИЁСАТ
ХАЛҚ ИШОНЧИНИ
ОҚЛАЙДИ**

Сўнги етти йилда амалга оширилган ўзгаришлар, уларнинг аҳамияти ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Энг муҳими, бу ўзгаришлар ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётига дахлдор, ҳар бир юртдошимиз бунини ўз ҳаётида ҳис қилгани шубҳасиз. Буларнинг барчаси замирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқчил, халқпарвар сиёсати ётибди. Давлат раҳбари одамларни рози қилиш бугунги сиёсатнинг бош мақсади эканини бот-бот таъкидлар экан, ўтган муддат давомида айни шу мақсадга хизмат қилувчи жуда кўплаб ислохотларга бош-қош бўлди.

Хотирамиз қисқа. Қолаверса, инсон сўзининг маъноларидан бири "унутувчи" демакдир. Ўн йиллар давомида орзу ҳам қилиш қийин бўлган бу ўзгаришлар бугун табиийдек, доим шундай бўлгандек туюлиши мумкин. Бироқ аслида бу ислохотларнинг барчаси замирида давлат раҳбарининг одамлар дардига беварқ эмаслиги, сиёсий иродаси ётгани ҳақида кўп ҳам мулоҳаза қилавермаймиз. Мустақилликнинг 32 йиллиги арафасида қораланаётган ушбу мақолада 2016 йилдан бери Ўзбекистонда амалга оширилган ҳамда кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлган энг муҳим ислохотларни яна бир сидра ёдга оламиз.

Давоми 2-саҳифада. ▶▶

ФЕСТИВАЛЬ

ИЧАНҚАЛЪДА ҚОВУН САЙЛИ

...Отам Тошсоқа канали бўйида насос ҳайдаш асосида бўш ётган жойларга "олохомма", "қарри қиз", "қарри қотти" каби навли қовунларни экардилар. Олохомма аталмиш қовуннинг ҳар бири йиғирма қилоча келарди. Кейинги йил май ойида яхши сақланадиган бу қовунлар оиламизнинг бойлиги ҳисобланарди. Кейин... янги ерлар ўзлаштирилиши оқибатида қовун экадиган ернинг ўзи қолмади...

Соҳа тадқиқотчилари воҳада яқин-яқинларгача қовуннинг қирқдан ортик тури бўлганини, улар май ойидан ("зомна", "тарнак") бошлаб пишиб етилиб, сўнгилари куз оёғида йиғиштириб олинганини қайд этишди. "Уч ой совуниим, уч ой қовуниим, уч ой қоғоғим, уч ой чағоғим(балиқ)" матали кўп асрлар илгари яралган ва ерлик халқнинг йил давомида емиши нималарни иборатлигини кўрсатиб берган.

Истиқлолдан сўнг пахта яккаҳокимлигига барҳам берилган, йилдан йилга кўплаб майдонларга яна полиз маҳсулотлари экила бошланди. Яна бозорлар турли-туман ширин-шаккар қовунларга тўлди. Янгибозор ва Гурлан тумани полизчилари бу орада Жанубий Кореяга қовун қоқи жўнатиб, аждоқлари анъанасига "иккинчи умр" бағишладди. Сўнги етти йилда ҳар йили ўртача юз-юз эллик минг долларлик қовун қоқи экспорти йўлга қўйилгани қувонарли, албатта. Бу рақамлар йил сари ошиб бораётди. Ўтган йили боғотлик тадбиркор Муроджон Абдримов илк бора Буюк Британияга қовун экспорт қилди...

Хоразм қовунларини дунё аҳлига тарғиб қилиш мақсадида Хива шаҳрида ҳар йили август ойи ўрталарида "Қовун сайли" ўтказишдек савоб ишга ҳам яқин-яқинларда киришилди.

Аваллида бу тадбир фақат вилоят туманларида полизчилик билан машғул фермерлар ўртасида ўтказилди. Қадим шаҳарга келатган минглаб хорижий сайёҳлар эътиборини тортган "Қовун сайли" эндиликда анъанавий республика фестивалига айланди. Фестивални ўтказишдан мақсад вилоятнинг агротуризм салоҳиятини намоиш қилиш, қадим полизчилик тажрибасини кенг ёйиш, ширин-шаккар қовун-тарвуз ва албатта, боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини оммалаштиришдир.

Яқинда Хива шаҳрининг "Ичанқалъа" музей қўриқхонаси ҳудудида республика Маданият вазирлиги, Туризм кўмитаси ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда анъанавий "Қовун сайли" республика фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 12 вилоятдан полизчилар қатнашди.

Азалдан деҳқончилик пири деб тан олинган хонқалик деҳқонлар фестивалида "Абужаҳл" аталмиш аччиқ тарвузни илк бора намоиш қилишди. Тарвузнинг бу нави инсон организмидеги юзлаб турли хасталикларга даво бўлишини тиббиёт исботлаган. Ва яна хонқаликлар илк бора қовун уруғи мағзи солиб пиширилган буррак билан ҳаммани ҳайратда қолдиришди. Янги таомга шаҳарга келган чет эллик сайёҳлар навбатда турганига кўзимиз тушди...

Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов фестивалга келиб, барча павильонларда қўйилган қовун-тарвузлар навлари, уларни етиштириш тажрибалари билан танишди. Фестивални кун бўйи тарқ этмаган хорижий сайёҳлар билан суҳбатлашди. Ҳар бир павильонда меҳмонлар учун алоҳида супа, стол-стулар ўрнатилган бўлиб, мазали қовунлардан татиб кўриш имкони яратилгани барча қатнашчиларни хурсанд қилди.

...Фақат Хоразмга хос қовун нави "гурвак" барча кўрғазмаларнинг қоқ марказида қўйилганига кўзимиз тушди. Таъми тилларар қовун нави ҳақида афсона ва ривоятлар тўқил-



ган. Қовун атамасининг мазмуни ҳақида хазораслик тадбиркор Бахтиёр Шерматов бир қизиқ фикр айтиб қолди: "Гурвак сўзи аслида "гур" ва "барк" сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Яъни, кимки бу қовундан туйиб еса кейинги қовун мавсумигача унинг учун гур оғзи берк туради". Бу тахминда жон бордек. Негаки, воҳалликлар "Тут ва гурвак инсон илгилиги ўтади, бир йил танада кучи сақланиб туради", дейишади.

...Икки кун давом этган "Қовун сайли" фестивалининг Гран при – олий мукофоти Хива шаҳрига насиб этди. Олий ўрин соҳибларига "Жентра" энгил машинаси берилди. Биринчи ўрин соҳиб бўлган қўшқўприликлар "Нексия-3", иккинчи ўрин эгаси Тошкент вилояти миришкорлари "Спарк" ва учинчи ўриндан жой олган Янгибозор тумани соҳибкорлари "Дамас" машинаси билан тақдирланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
"XXI asr" муҳбири

САЙЁР УЧРАШУВ

“Зиннур” брендининг доврўғи ошмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О‘зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хайтов бошчилигидаги парламент куйи палатаси депутатлари, шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги партия вакиллари Сирдарё вилоятида жойлашган “Ақбар бизнес строй” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишишди.

Мазкур сайёр учрашув Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2023 йил 27 июль кунги ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан ҳудудларда депутатлик назоратини амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Нафақат сирдарёликлар, балки вилоятдан ташқарида ҳам танилган масъулияти қанлаган жамиятида “Зиннур” бренди остида бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Корхона бурун ижарада турган кичик тадбиркорлик субъекти эди. Энди эса у бир эмас, қатор ишлаб чиқариш линияларига эга йирик бирлашма.

Гулистон шаҳридаги 2,3 гектар сатҳли бўш бино 14,5 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан тендерда ютиб олинганда “Зиннур” жамоаси атиги 20 нафар ходимдан иборат эди.

– Бугунги кунда ишчи-ҳодимлар сони 165 нафарга етди. Ҳозир кроссовка, кийим-кечак, мебель жиҳозлари, лок-буёқ сингари кўп тармоқли ишлаб чиқаришга эгамиз, – дейди бирлашма раҳбари Носиржон Эгамбердиев. – Барча маҳсулотларимизга талаб юқори. Бу қулай ишлаб чиқариш майдонига эгаллигимиз ҳамда технологик янгилашларга алоҳида эътибор қаратиш самараси, албатта. Масалан, 1,5 миллион АҚШ долларига янги пойбзал тайёрлаш ускуналари олганимиз туфайли бир неча кўрсаткичларимизни яхшилаб олдик.

МЧЖда маҳсулот ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллилаштирилган. Юқори сифат туфайли таннарх арзонлашган. Ундан ташқари, корхонада ижтимоий Ҳимояга муҳтож ва имконияти текланган ходимлар учун барча шароитлар яратилган.

Ақтам Хайтов бошчилигидаги депутатлар шундан сўнг Гулистон шаҳрида жойлашган “Маънавият” МФЙ биноси ва бешлик фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Мазкур маҳаллада 576 та хонадон, 677 та оила бўлиб, умумий аҳоли сони 3 577 нафарни ташкил қилади. Бешлик томонидан одамларнинг оғирини енгил қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари яхши ташкил қилинган.

Хотин-қизлар мисолида айтганда бўлса, 2022 йилда “Аёллар дафтари”га 56 нафар 30 ёшдан ошган аёллар киритилган эди. 2023 йилда 80 нафар аёл шу рўйхатга киритилиб, тегишли ёрдамлари олишди. Утган йил охирида нотураржойда яшовчи 6 нафар фуқарога уй-жой берилди.

Жорий йилда эса икки нафар кишига уй-жой берилди. Икки нафар фуқарога 9 ой муддатда ижара компенсациялари тўланди. Ногиронлиги бўлган аёлларимизга ҳам тегишли ёрдамлар берилди. 33 нафар ишсиз бўлган ижтимоий Ҳимояга муҳтож хотин-қизларимизнинг 10 нафарига субсидия тариқасида тикувчилик ва қандолатчилик анжомлари берилди. 15 нафарига эса имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши орқали бандлиги таъминланди. Ҳоким ёрдамчиси томонидан касбга ўқитиш учун тасвиномали, имтиёзли кредитлар ажратилиши орқали аҳоли бандлиги таъмин-



ланди. Ёшлар етакчиси саъй-ҳаракати билан 6 нафар ёшга контракт тўловлари тўлаб берилди. 2 нафар ёшга бир марталиқ моддий ёрдам ажратилди. 2 нафар ёшга даволаниш пули тўланди. 17 нафар ёш мономарказга ўқишга йўланма берилди. 15 дан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилди.

О‘зЛиДеР Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

Халқчил сиёсат халқ ишончини оқлайди

◀◀Бошланчи 1-саҳифада.

УНУТИЛГАН ҚАТЛАМ

Ҳаёт ҳаммамизда ҳам силлиқ кечадаган жараён эмас. Турли сабабларга кўра турмушимиз ўшамаган ёхуд боқувчи вафот этгани боис фарзандларини ёлғиз воёга етказайтган аёлларнинг ижтимоий Ҳимояси узоқ йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган бу қатлам давлатнинг фамҳўрлигини ҳис қилмас, қайси идора боши уриб бормасин, дардини эшитишнинг ҳаммаси топилмасди.

Турмуши бузилиб ота уйига қайтган қиз бу ерга сифатлиги, болалиги ўтган, ҳозир эса ака-укалари оиласи билан яшаётган бу масканда қолиши қатор кўнгилсизликларга сабаб бўлишини айтмасам ҳам, зукко ўқувчи буни яхши англашига ишончим комил. Шу боис катақдек бўлса-да, бошанасига эга бўлмоқ, бировга оғирини тушмай, сифинди бўлмағи фарзандларини катта қилиш, толган пулини ижара тўловларига сарфламаслик бундай аёлларнинг энг катта орзуси эди.

Сўнгги етти йилда айни йўналишдаги давлатнинг позицияси тамомилан ўзгарганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Президентимизнинг ташаббуси билан опа-сингилларимизни кўпдан буён қийнаб келган уй-жой муаммосини ечиш мақсадида катта дастурлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2017 йили мамлакатимиз бўйича қарийб 8 минг квартиралар 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили 56 минг квартиралар 1433 та уй-жой барпо этилди. 2023 йили эса яна 90 минг хонадон учун тураржойлар қурилиши режалаштирилган.

“Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади”, дея таъкидлаганди Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг январида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида.

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” каби маълумотлар базалари йўлга қўйилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, оғир ижтимоий муҳитдан олиб чиқиш учун бутун бошли тизим яратилди. Биргина “Аёллар дафтари” доирасида қисқа муддатда салкам 642 минг нафар опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишлар кўламиндан далолат беради.

Натижада ишлаш истагида юрган, аммо лаёқатиغا яраша иш тополмаган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланмоқда, ишбилармонлик қобилиятига эга бўлганлари тадбиркорликка йўналтирилмоқда, боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган, меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парвариши ва тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларни ҳар томонлама Ҳимоялашга қаратилган қатор дастурлар ишга туширилди.

Бундан ташқари, аҳолининг айрим қатламлари учун давлат томонидан берилётган имтиёзлар сони ортди. Чунончи, республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилишда 2020 йилдан бошлаб қизлар учун алоҳида давлат грантлари асосида қабул параметрлари белгиланди. 2021 йилдан эса эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти 2 бараварга оширилди.

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021-2022 ўқув йилида биринчи босқич талабалари учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси (2,4 млрд сўм) давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб берилди. Барча олий ва профессионал таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олиш учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилишининг янги тизими йўлга қўйил-

ди. 2022 йилдан бошлаб қизлар учун таълим кредитлари фоизсиз берилётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Агар бундан 6 йил аввал олий ўқув юрталарида 110 минг хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 мингга ташкил этмоқда. Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қарийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 дан ортиқ хотин-қизларимиз олий таълим муассасаларига алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди. Шу тариқа бугунги кунда олий таълим олаётган талабалар орасида қизларимизнинг улуши 50 фоизга етди.

Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига шартнома асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизлар учун тўловлар давлат бюджетидан қўллаб берилмоқда. 2021 йили базавий тўлов-шартнома асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёллар учун маблағлар Қорақалпоғистон Республикасини Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобидан тўлаб бериш йўлга қўйилди. Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилган бўлса, 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 миллиард сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Мана шундай эзгу ишлар орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик киргани, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгаргани, минглаб аёлларнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланганини таъкидлашга эҳтисоб бўлмаса керак. Буларнинг барчаси одамларни рози қилиш фақатгина сўзда эмас, балки амалда бажарилаётганининг исботидир.

ЁН ҚЎШНИ ЖОН ҚЎШНИГА АЙЛАНДИ

Ўзбек халқи азал-азалдан тожик, қирғиз, туркман, қозоқлар билан эту тирноқ каби яқин бўлишган. Халқларимиз ўзаро қиз олиб қиз беришиб, яхши кўшничилик алоқаларини қуд-андачилик ришталари билан мустаҳкамлашган, тўй-маъракаларида бирдэй хизматда бўлишган, яхши-ёмон кунларида бир-бирларининг қорига яраган. Буни, айниқса, чегара ҳудудларида яшовчилар ёки шундай жойда яшаётган қариндошлари борлар жуда яхши билишади.

Афсуски, яқин тарихимизда шундай даврлар бўлдики, ўзаро муносабатларга совуқчилик оралади. Оқибатда чегаралар ёпилди, борди-келдилар сусайди, бундан эса ҳаммадан ҳам оддий одамлар кўпроқ азият чекишди. Асрлар давомида қанда-анда, қариндош бўлиб кетган марказий осийликлар муносабатлар совуқлашиши ортидан бир-бирларининг тўйини кўришмади, йиллар давомида яқинлари дийдорига зор бўлишди, энг ачинарлиси, ака-укалар жигарларининг, неваралар бобо-бувисининг жанозасида қатнаша олишмади.

Хайриятки, бу ҳол узоқ давом этмади. Қўшни давлатлар билан алоқаларнинг қайта тикланиши, очилмас бўлиб ёпилган чегараларнинг қайта очилиши кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари маҳсулидир. Натижада одамлар қавму қариндошлари билан алоқаларини яна йўлга қўйиб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади. Эътироф этиш керакики, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташаббуси қўшни мамлакатлар президентлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди, олқишланди.

“Илгари тўпланиб қолган муаммолар шундай қисқа муддатда ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлармиди?! Бунга халқро ташкилотлар ҳам ишонмаган эди. Бугун давлатларимиз ўртасида ҳам бўлмаган масала қолма-

ди, ўзаро ишонч пайдо бўлди. Бундай муносабатларнинг ташаббускори ва архитектори ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев”, дея эътироф этганди Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон етакчисининг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан чегараларида жуда кўп қўллаб ўтказиш пунктлари қайта очилди. Бундан ташқари, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёни тезлашди.

“Биз оқилона мурося ва ўзаро тенг алмашинув асосида, ўзаро манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, бу ўта долзарб муаммони тез орада ҳал этамиз, деб ишонаман”, деган эди Президентимиз 2017 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон билан давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш жараёни тугалланган бўлса, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегараолди муаммоларини ҳал этиш яқиний босқичга кўтарилди.

Жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Халқро майдонда минтақа номидан янги ташаббуслар илгари сурила бошланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш яхши анъанга айланди. Яқинда Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги маслаҳат кенгашида ҳамкорликнинг янги, истиқболли йўналишлари белгилаб олиниши қутулмоқда.

ПРОПИСКА – “КИШАН” ДАН ҚУТУЛДИК

Жаҳон банки тадқиқотчиси Уильям Сеиз ўтказган тадқиқотда Ўзбекистон ички миграция даражаси бўйича жаҳонда энг қўйи ўринларда туриши, мамлакатдаги урбанизация кўрсаткичларида 2009 йилдан буён турғунлик кузатилаётгани ҳақида сўз боради.

Муаллиф ички миграцияга тўсиқ бўлаётган икки асосий омилни келтириб ўтган: прописка режими ва шаҳарда яшаш харажатларининг қишлоқ ҳудудлари нисбатан анча юқорилиги. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра, аҳолининг тахминан 90 фоизи – барча регистрацион чекловларни бекор қилиш тарафдорлари экани маълум бўлганди.

Эркин ҳаракатланишга нисбатан қонунчиликда белгиланган антиконституциявий чеклов Тошкент билан бошқа регионлар ўртасида иқтисодий нотенгликни келтириб чиқарди, ишчи кучининг Тошкентга кириб келишини сунъий чеклаш пойтахт ва вилоятларда маош ҳажмидаги нотенгликни юзага келтирди, мамлакатнинг ижтимоий капиталига катта зарар келтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев прописка тизимини фуқаролар оёғига солинган кишанга ўхшатган ва 2020 йил бошида конституцияга хилоф бундай тизимни бекор қилишга топширик берганди. У Хоразмга ташрифи пайтида ўз бошидан ўтганларини, пойтахтга келганда пропискани бўлмагани учун қай даражада қийналганларини айтиб берганди. “Айбим – Тошкентда тузилмаганим эди”, деган эди давлат раҳбари ушунда.

Чиндан ҳам, тенг ҳуқуқли фуқароларни “пойтахтда яшашга лойиқ бўлган” ва “лоийқ бўлмаган”ларга бўлиш 30 йил давомида ўзбекистонликлар ҳис қилган энг таҳқиромуз дискриминациялардан бири сифатида тарихда қолди.

Президентимиз ташаббуси билан прописка тизими тубдан ислоҳ қилинди, “прописка” сўзи истезьомдан чиқарилди, бу борадаги чекловлар бекор бўлди, буларнинг барчаси қонунчилигимизда ўз аксини топди.

ОЛАМШУМУЛ АКЦИЯ

2018 йили Президент фармони билан ўзбошимча ва ноқонуний қурилмаларга давлат томонидан афв эълон қилинган, ушбу бир марталиқ акция доирасида бир миллионга яқин ариза тушган, 500 минг фуқароларга эгаллик ҳуқуқи берилган эди. Ҳўш, бу нимаси билан муҳим?

Гап шундаки, аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ортидан жойларда шахсий томорқа ҳўжалиги ва тураржойларга талаб ўсиб борган. Бироқ ер ажратиб беришдаги коррупция ва бюрократик муаммолар сабаб қонуний йўл билан муродларига ета олмаган кўп қабил фуқаролар қонунга тескари бориб бўлса-да, иморатлар тиклаган, бироқ йиллар давомида мулкларини расмийлаштира олмаётган кўп қабил фуқароларнинг ташаббуси ана шундай юртдошларимизнинг мушкулларини осон, қоронги дилларини чарогон этди, десак мулоҳаза бўлмайди.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги сабаб бўлган бўлса, фуқароларга ер участкаларини уй-жой қуриш учун муайян тўлов эвазига ноқонуний бериш юзасидан фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг тил бириктириши бўйича кўп қабил ҳолатлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Натижада ушбу муаммо бутун республика бўйича оммавий тос олдиди ва уй-жой учун зарур ҳўжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига, хусусан, ҳақиқатда яшаб турган жойга прописка қилиниши, мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслигига олиб келди.

Фуқароларнинг уй-жой мулкига кадастр ҳўжатларини бериши сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентини Виртуал қабулхонасига 5 мингдан ортиқ, депутатлар, сенаторлар, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 3 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Жойларда суд қарорларига мувофиқ бузилиши белгиланган уйларнинг эгалари ва ижрочилар ўртасида низолар юзага келган, бу жараён акс этган видеолар ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлганди.

Маълум бўлишича, республика бўйлаб 1 миллиондан ортиқ ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун ружуҳнома олмастан қурилган тураржойлар қайд этилган. Бир марталиқ акция сабаб уларнинг аксариятига нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилди.

Аслида халқимизнинг кўнгилдан жой олган бу каби хайрли ишлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Илгари бундай имкониятларни хаёл қилиш мумкин эди, холос. Мана, хаёллар ҳақиқатга айланган кунларга ҳам етдик. Бугун қай бир юртдошимизнинг қалбига қулқул тутманг, инсон қадрини улуғланган шундай Ватанда яшаётганидан, тақдирдан мамнунлигини ҳис қиласиз. Тақдирдан ризоллик, давлат сиёсатидан розилик эса фаровонликка етакловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Бир сўз билан айтганда, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан оқил ишларни рози қилиш энг бosh мезон экани хусусидаги қарарларда собит турибди ва бу жонсаракликни бошқа амалдорларга ҳам “оқтира олди”. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи ўз етакчисини яхши кўради, унинг ҳар қандай қорловига лаббай деб жавоб беради. Бунинг исботини шу йилнинг июль ойида бўлиб ўтган Президент сайлови натижалари ҳам кўрсатди.

“Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади. Чунки халқимиз бизга ишониб топширган катта-катта режа ва дастурларни ўзимиз бажармасак, айтинг, четдан ким келиб бажариб беради? Келгуси етти йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун бизда барча куч ва имкониятлар бор”, деган эди Шавкат Мирзиёев президентликка киришини маросимидаги нутқида.

Асқар ҚОДИРОВ, О‘зЛиДеР аъзоси

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАБЪБУСЛАРИ ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИНИ РУҲЛАНТИРИБ ЮБОРДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти нафақат бизнес тузилмалари ва ишбилармон доиралар, балки бутун халқимиз қалбида акс садо бермоқда

Учрашув аввалида Президентимиз йиғилганларни тадбиркорлар куни билан самимий табрик-лаб, ўзининг ҳурмати ва эзгу тиллақларини билдирди. Анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган тадбирнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида сўз юритди.

Мулоқотдаги маъруза бешта асосий йўналишни қамраб олгани билан ёдда қолди. Дикқатга сазовор томони, уларнинг ҳар бирида қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Биринчи йўналишида кичик бизнесга янги имкониятлар яратиши, уйбу соҳа вакиллари тадбиркорликка ўқитиши, уларга истиқболли лойиҳа тайёрлаб бериши ва фаолиятини молиялаштириши, маҳсулотларига бозор ва бизнесга шериклар топиши бўйича яхлит экотизим яратилиши қайд этилган бўлса, иккинчи йўналишида ўрта бизнесга оид тақлифлар тақдим этилди. Жумладан, кичикдан ўрта бизнесга ўтиши истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун бу борадаги жамғармаларнинг фаолияти ҳам, ишлаш усули ҳам ўзгартирилган бўлди.

Янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириши масалалари учинчи йўналишдан ўрин олган бўлса, тўртинчи йўналишида юқори даромадли корхоналарни кўпайтиришга эътибор қаратилди.

Партияимиз электоратини руҳлантириб юборган ташаббуслар эса бешинчи йўналиш – солиқ маъмурчилигини соддалаштириши ва бюрократияни йўқ қилиши масалаларида тўлиқ қамраб олинди. Президент бу соҳада коррупция билан боғлиқ шикоятлар кўпайиб кетгани, қўшилган қиймат солиғини қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш амалиёти (tax gap) адолатсиз эканини қайд этди. Шу боисдан 1 октябрдан бошлаб, уйбу амалиёт бекор қилиниши белгиланди.

О'zLiDeP фаолларининг қўйидаги мулоҳазалари ана шу очик мулоқот таассуротлари билан ўйғуналишиб кетган, десак асло муболага бўлмайди.

Азамат СУЛТОНОВ,
“Бухоро агрокластер”
масъулияти чекланган
жамияти директори,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган қишлоқ
хўжалиги ходими,
О'zLiDeP фаоли



қарашли 40 дан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, 6,2 млн доллар инвестиция эвазига қаровсиз майдонда барпо этилган замонавий мажмуага Италия ва Россиядан келтириб ўрнатилган асбоб-ускуналар тўғрисида бугунги кунда йилга жами 22 минг тонна сут қайта ишланмоқда. 150 нафар аҳоли бандлиги таъминланган. Иш қўлами ва даромадининг ортиси эса фаолиятни янада кенгайтиришга хизмат қиляпти.

Кластер тизими қишлоқ хўжалигида ҳам ўз самарасини берапти. Тадбиркорлар билан

Амина БЕКЖАНОВА,
Мўйноқ туманидаги
“Мунақ Tour” МЧЖ
директори,
“Дўстлик” ордени соҳибаси



хобчаси, кемпинг каби объектларнинг тайёр лойиҳалари тадбиркорларга тақлиф этилиши бизга янада кенг имкониятлар беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган дастур, фармон ва қарорлар, яратиб берилаётган шароитлар кучимизга куч, шижоатимизга ғайрат қўшади. Айниқса, қорақалпоғистонлик тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

“Тадбиркорлар куни” арафасида Президентимиз фармони билан

КЛАСТЕРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛЯПТИ

Ўтган йили тадбиркорлар билан ўтказилган учрашув чоғида давлатимиз раҳбарига билдирилган қўллаб-қувватлаш асосида мамлакатимиздаги уйбу соҳа микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлингани, уларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлаш тизими яратилгани айтилган бўлди.

Президентимизнинг ишбилармонлар билан ўтказган бу йилги очик мулоқотида иштирок этар эканман, навбатдаги устувор вазифалар, айниқса, кластер тизимдаги ишлаб чиқариш субъектларини ривожлантиришда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда жиддий ёндашилиши зарурлигини аниқ ҳис этдим. Чиндан ҳам бугунги кунда маҳсулотлар ташқи бозорда сифати, талабгарлиги, юқори рақобатга эга бўлиши учун ишлаб чиқаришни мутлақо ян-

ги тизимга олиб чиқиш, яъни кескин ўсиш талаб этилмоқда. “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури жорий йилда ҳам давом эттирилишининг асосий сабаби ана шунда.

Қолаверса, буни ҳаётнинг ўзи тақозо этапти. Эътиборлиси, тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ўтган бир йил ичида кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага кўпайди. Ўрта тадбиркорлар 2 мингтага ошиб, жами 10 мингтага етди. Йирик корхоналар бир йил ичида 400 тага кўпайиб, эндиликда 1,5 мингтага ташкил этмоқда.

Сўнги йилларда турли соҳаларда, жумладан, саноат корхоналарида кластер тизимининг жорий этилишининг самарасини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўрса бўлади. “Бухоро агрокластер” МЧЖга

ўтказилган очик мулоқотда юртимизда кластерларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириши, уларнинг айланма маблағлари учун 1,5 йил муддатга 3 трлн сум кредит ажратилиши маълум қилинган ишбилармонлар учун навбатдаги зўр янгилик бўлди. Бундан ташқари, қонунчилигимизга инвестиция хавфсизлиги бўйича янги нормаларнинг киритилаётганини ҳам соҳа ходимлари алоҳида мамнуният билан қутиб олишди.

Бир сўз билан айтганда, юртбошимизнинг тадбиркорлар билан бу йилги мулоқоти ва 5 та йўналиш бўйича белгилаб берилган вазифалар барчамизни халқимиз бахт-саодати йўлида бор куч, билим ва маҳоратимизни ишга солган ҳолда ишлашга давват этади.

ТАДБИРКОРЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Бундан икки йил олдин Президентимиз ишбилармонлар билан ўтказилган очик мулоқотда 20 августни “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилган эди. Бу – кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлган.

Етти йиллик саяё-ҳаракатлар натижасида янги Ўзбекистонда ўзига хос тадбиркорлар синфи шаклланди. Бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмас тус олишини кафолатлаш мақсадида халқимиз янгилашган Конституцияни қабул қилди. Энг муҳими, Бош қомусимизда илк бор қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, мулк дахлсизлиги, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, суд мустикалиги бўйича давлат ўзига аниқ мажбуриятлар олди.

Катта-катта марраларни рўёбга чиқариш учун келгуси етти йиллик ислохотларимиз дастури лойиҳаси август ойи бошида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаларда бир миллиондан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалар билдирилгани, бунда тадбиркорларимиздан юртимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим бўлган кўплаб янги-янги ташаббуслар келиб тушгани бизни албатта қувонтиради.

Президентимизнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклидаги бу йилги учрашувда иштирок этиб, иқтисодиётимизнинг драйвери бўлган соҳани янада ривожлантириш, айниқса, тадбиркорлик жамғармасининг ташкил қилиниши, жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида “хизматлар ипотекаси” тизими жорий қилиниб, энди мяхмонхона, ресторан, савдо комплекси, автотураргоҳ, ёқилги шо-

бир гуруҳ юртдошларими орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар қаторида менинг ҳам камтарона меҳнатимнинг юксак баҳоланганидан мамнунман. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус – 2021” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши тадбиркор аёл” йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, “Nexia-3” автобили билан тақдирланган эдим.

Бундан олти йил аввал фаолият бошлаган корхонамиз Мўйноқ тумани, Орол денгизига ва бошқа жойларга яққа турда ёки гуруҳ бўлиб савҳат қилмоқчи бўлган фуқароларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириб, билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламиз.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ҚАНДАЙ ИШЛЯПТИ?

БОЛАЛАРГА МЕҲР БЕРСАК...

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНОФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ БОШ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИДИР.

Бу борада зарур ҳуқуқий асослар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, уларнинг ижроси доимий эътиборимизда. Айниқса, Президентимизнинг “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратди. Зеро, бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Шунга қўра давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида қонунларга риоя этилишини мониторинг қилиш, имконияти чекланган, шунингдек, етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган уй-жойга муҳтожларнинг коммунал уй-жой фондидаги тураржой билан таъминлаш ҳамда ижтимоий мослашувига кўмаклашиш борасида фал депутатлик фаолияти олиб борилмоқда.

Доимий комиссиямизнинг навбатдаги йиғилишида мазкур фармон ижроси бўйича вилоят ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти мудирининг ҳисоботини эшитдик. Таъкидланганича, бугун вилоятда 1 млн 247 минг нафар 18 ёшгача бўлган ёшлар бор. Жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоятда жами 244 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аниқланган. Уларнинг 103 нафарига васийлик ва 41 нафарига эса ҳомийлик тайинланган. 5 нафари гўдақлар уйига жойлаштирилган. 84 нафари фарзандликка берилган. Вилоятда бугунги кунда 16 та оилавий болалар уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 44 нафар ўғил, 43 нафар қиз болалар тарбияланмоқда. Касби ва Чирокчи туманларидаги оилавий болалар уйлари туга-

тилиб, у ерда тарбияланаётганлар ота-онаси ва яқин қариндошларига қайтарилди.

2022 йилда давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар асосида 108 нафар болалар уйи тарбияланувчиси олий ўқув юртурларига ўқишга кирди. Вилоятдаги умумтаълим мактабларида ўқийётган 1 061 нафар чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, 11 синфни тугатаётган боланинг 102 нафари мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этилди.

Му.мактаб.uz платформасига 2023 йил 1 июль ҳолатида 1 497 нафар васийликка, 461 нафар ҳомийликка муҳтож, “Меҳр дафтари”га 1 354 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола киритилган. “Меҳр жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 27 нафар чин етимга уй-жой сотиб олиш учун 4 млрд 900 млн сум маблағ ажратилди ва унинг ҳисобига уларга бирламчи ва иккиламчи бозорлардан уй-жойлар харид қилиниб топширилди. 1 нафарига ҳозирги вақтда уй-жой харид қилиш учун танланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий-қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида меҳрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, шунингдек SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмасининг болалар маҳаллаларида тарбияланган, шунингдек, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 64 нафар шахснинг рўйхати шакллантирилиб, 41 нафарига республика бюджетидан маблағ ажратилди. Ҳар бир туман, шаҳар ва вилоят болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларига тақдим этилган логин, пароллар асосида тегишли платформасига 236 нафар уй-жойга муҳтож бола тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

2023-2024 йилларда нотураржойларда, яшаш учун муҳалланмаган жойларда ҳамда белгиланган санитария нормалари, қоидалари, ёнғинга қарши ва техник талаблар-

га жавоб бермайдиган жойларда яшаётган меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчаларида тарбияланган 30 ёшгача бўлган собиқ битирувчиларнинг 11 нафари 2023 йилда, 10 нафари 2024 йилда уй-жой билан таъминланиши белгиланди.

Ачинарлиси шундаки, ҳукуматнинг айна қарориди ўзларига бириктирилган тураржойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилди. Бунда, мазкур тоифага кирувчи ногиронлиги бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватидан ажратилди, деб белгилаб қўйилган бўлса-да, айрим туман шаҳарларда бу ишга масъулиятсизлик билан қаралмоқда.

Мисол учун Қарши шаҳар ҳокимлиги томонидан 2021 йилда 3 та, 2022 йилда 3 та уй-жой етарли жиҳозлар билан таъминланмаган топширилган ва бу бугунги кунга қадар ҳал этилмаган. Маблағ ўтказиб берилганлигига қарамадан Касби туманида 1 та уй-жой қилинган сотиб олинган.

Ҳисоботда яна қайд этилишича, вилоятдаги умумтаълим мактабларида 1 061 нафар чин етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таҳсил олмақда. Вилоят ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятига вилоят кенгаши депутатларининг тақлиф-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, қилинган ишлар юзасидан ҳар чоракда ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги кунда, вилоятимизда қурилаётган кўп қаватли уйларда бугунги кунда 25 м² ли хонадонлар мавжуд эмас. Янги қурилаётган уй-жойнинг нархи банд, иккиламчи бозордан ҳам уй сотиб олишининг сира ило-



Исмигул ХУШМУРОДОВА,
Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси

жи йўқ. Битта уйда фақат битта болани жойлаштириш мумкин. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун алоҳида уй-жой қуриш таъқиқланган. Вилоятимизда қурилаётган уйларнинг бир подъезидан биттадан уй сотиб олиш ҳамда барча зарур шароитларга мос таъмирлаш ва жиҳозлаш талаб этилса-да, айрим туман, шаҳарларда бу ишга эътиборсизлик билан қаралаётгани боис аҳоли мурожаатлари ортиб борапти. Мазкур муаммоларнинг мақбул ечимлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш борасида тегишли тақлифлар ишлаб чиқдик.

Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши ҳузурдаги халқларвар комиссиялар ҳудудлардаги бирламчи ва иккиламчи бозорлардаги бир хонали уй-жойларни сотилиш нархларини ўрганиб, вилоят кенгаши котибиятига тақдим этилди. Ушбу масалани вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиб, доимий комиссия аъзолари томонидан қатъий назорат қилиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Хулоса шуки, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар доимий комиссиямиз назоратида бўлиши.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ”

РАҚОБАТ, ТАЖРИБА ВА МУВАФФАҚИЯТ МАЙДОНИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан анъанавий тарзда ўтказилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари юртимиз бўйлаб юқори шуқудда ўтди. Энди навбат республика ҳудудий босқичига!

Энг улуг, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида уюштирилаётган мазкур тадбирда ҳар бир ҳудуднинг шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритган ишбилармон аёллар энди мутлақ ғолиблик – вилоят лидерлиги учун беллашадилар.

✓ СУРХОНДАРЁ

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида “Ишбилармон аёл – 2023” кўрик-танловининг республика ҳудудий босқичи ўтказилди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган фермер, тадбиркор, хунарманд хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбир аввалида, танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 15 нафар иштирокчининг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Улар орасида полиз экинларидан тортиб, қандолат маҳсулотларига, тикувчилик гул савдоси, ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик билан ҳам ўзининг, ҳам атрофидаги кўплаб аёлларнинг рўзгорини обод қилаётган ғайратли хотин-қизларимизнинг қўл меҳнатлари, ишлаб чиқарган маҳсулотлари намойиш қилинди.



– Кумкўрғон туманидаги Меҳробод маҳалласида гулчилик, тикувчилик билан шуғулланиб, кўплаб шогирдлар орттирдим, – дейди “Begoyim Nafosat” хусусий корхонаси раҳбари Нилуфар Мусурмонова. – Ҳозирда табиий гуллар билан биргаликда сунъий гуллардан ҳам декоратив буюмлар ясаб сотяпмиз, маҳсулотларимиз ҳам харидорғир. 2 та тикув цехи ҳам очганмиз. Яқинда тўқув ипларидан кўғирчоқлар ясашни ҳам йўлга қўйдик. Шуларнинг орқасидан маҳалладаги 50 нафар кишини иш билан таъминладим. Уларнинг аксарияти дафтарда рўйхатда турадиган аёллар ва ёшлардан иборат. Келгусида туманимизда хунармандчилик маркази очишни ҳам режалаштирганмиз. Бугун ана шу тайёр маҳсулотларим билан танловда биринчи бор иштирок этдим.

Анжуман давомида ҳамкор ташкилотлар масъулларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг фаолиятига оид лавҳа, тегишли хужжатлар билан танишишди. Шундан сўнг, ҳар бир номзод ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулоти, унинг сифати, яратган иш ўрни ва сотув қобилияти, экспорт ҳажми ҳақида маълумот берди.

Натижаларга кўра, Музработ туманидаги “Тилов Ҳожи” кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси Шоира Тиловова танловнинг ҳудудий республика босқичи ғолиби деб топилди.

– 100 гектар майдон асосан, пахта ва ғалла етиштиришга мўлжалланган бўлса-да, қўшимча равишда бошқа тармоқларни ҳам йўлга қўйганмиз, – дейди ғолиб. – Хўжалигимизда мош, ловия, гуруч, помидор, бодринг, булғор қалампери ҳам етиштиряпмиз. Тикув цехимизда 12 нафар киши меҳнат қилмоқда. Фермер хўжалигимизда эса 70 дан ортиқ киши иш билан банд.

Кўрик-танловда “Saodat Denov textile” хусусий корхонаси раҳбари Зарина Тошмуратова 2-ўринга, “Begoyim Nafosat” хусусий корхонаси раҳбари Нилуфар Мусурмонова 3-ўринга муносиб кўрилди.

О‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳридаги “Насаф” ўйингоҳида ўтган республика ҳудудий босқичида вилоятнинг энг ишбилармон аёллари хусусий тадбиркорлик, фермерлик, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандлик борасидаги салоҳиятларини намойиш этишди. Улар ўз ишларини намойиш этиш баробарида маҳсулотларининг рақобатбардош ва экспортбўлиги, фаолиятга инновацион технологияларни қай тариха жорий этганини тўпланганларга сўзлаб беришди. Шунингдек, фаолиятлари давомида муаммо ва тўсиққа дуч келганда қай тарзда бартараф этишгани, соҳага оид ҳуқуқий билимлари ҳам баҳолаб борилди.



– Партиямиз томонидан 8 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловда тўрт мингга яқин қашқадарёлик хотин-қиз иштирок этган бўлиб, мингдан ортиғи ҳозирги кунда воҳанинг таниқли ишбилармонлари саналишади, – дейди О‘zLiDeP вилоят кенгаши раиси Шухрат Асламов. – Айниқса, танлов юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилиш, воҳа иқтисодини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларни кашф этиш, фаолиятини янада ривожлантириш, ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Баҳолаш жараёнида иштирокчиларнинг кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва доимий иш ўринлари яратишдаги фаоллиги, ташаббуслари эътиборга олинди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бўлган ногиронлар, қаровчисиз кексалар, кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий жиҳатдан ғамхўрлик қилган, янги инновацион лойиҳалардан самарали фойдаланган ҳолда “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган фуқароларни иш билан таъминлагани ҳам.

– Корхонамиз кўп тармоқли, парҳезбop гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди Китоб туманидаги “Китоб боғи баланд” хусусий корхонаси раҳбари Нилуфар Тиловова. – Кўп йиллардан буён аҳолига парҳезбop гўшт етказиб бераймиз. Ҳозирда минг бош парранда боқаяпмиз. Бундан ташқари, 4 гектар боғимиз ҳосилга кирган. 30 нафар китоблик опа-сингилларимизни иш билан таъминладик. Бугун ҳамкасбларим билан мулоқот қилдим, тажриба алмашдим. Келгусида миллий каштачилик, қуроқчилик, гиламчиликни ҳам йўлга қўйишга қарор қилдим. Ҳақиқатан ҳам, бизнес ривожига тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилишда “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови катта аҳамият касб этаётди.

Натижаларга кўра биринчи ўрин шахрисабзлик Фариди Яллақодировога насиб этди. Иккинчи ўринни Қарши туманидаги “Нисо голд сервис” МЧЖ директори Хайринисо Курбонова, учинчи ўринни эса Қамаш туманидаги “Мироншоҳ ва Иброҳимжон” масъулияти чекланган жамият раҳбари Шоира Эркаева эгаллади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

✓ ХОРАЗМ

О‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даврида “Ишбилармон аёл” кўрик танловининг 13 та туман, шаҳар босқичлари ташкил этилди. Унда иштирок этган 1 600 нафар тадбиркордан 13 нафар энг фаоли республика ҳудудий босқичига йўланма олди.



Саралаш Урганч туманидаги “Улли ҳовли” мажмуасида бўлиб ўтди. Баҳолаш мезонида асосий эътибор туман-шаҳарлар лидерларининг хотин-қизлар учун қўшимча иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари”дагиларни касб бўйича ўқитгани, бандлигини таъминлагани ва хизмат кўрсатиш сифати алоҳида эътиборга олинди. Урганч шаҳридаги “Masquerade little star” оилавий корхона раҳбари Гўзал Ибрагимова мутлақ ғолиб деб эълон қилинган бўлса, 2-ўринга тупроққалъалик якка тадбиркор Бахтигул Қодирова, 3-ўринга гурланлик ишбилармон, “Яхшимуратовлар” фермер хўжалиги раҳбари Шохиста Бобожанова лойиқ топилди.

О‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ ЖИЗЗАХ

Жиззахлик ишбилармон аёллар иштирокида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ўтган танловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Нигматова, партия Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шерзод Маматқулов, кенгаш раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Нозима Тугалова, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаоллар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Танлов вилоят ишбилармонлари ўртасида аллақачон ўз мавқе ва обрўсига эга. Унда иштирок этишнинг ўзиёқ бизнесини эндигина бошлаганлар учун ўзига хос тажриба мактабига айланмоқда. Шу боис ўтган йиллардаги беллашувларнинг совриндорлари – “Ложувард асалари” МЧЖ раҳбари Муҳаббат Амонова, “Бунёд дур текс” МЧЖ раҳбари Фариди Раҳмонова ҳамда “Холмўмин-Зоҳид” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Шарофат Нориева номи бугун нафақат ўз туманларида, балки вилоятда ҳурмат-эътибор билан тилга олинади.

Жорий йилда ҳам шаҳар ва туман босқичида юздан зиёд тадбиркор ва фермер ўз лойиҳаси билан иштирок этди. Улар орасида ғолиб

деб топилганлари ҳудудий республика босқичига йўланма олишди. Ҳакамлар хулосасига кўра, Фориш туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Лайло Илҳомова вилоятнинг энг ишбилармон аёли, деб эътироф этилди. Дўстлик туманидаги “Дўстлик сумка бренд” МЧЖ раҳбари Зуҳра Йигитова иккинчи, Шароф Рашидов туманидаги “Маҳмуда Зарина Зарифа” МЧЖ раҳбари Зарифа Анорбоева учинчи шоҳсупани эгаллади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

✓ СИРДАРЁ

О‘zLiDeP Сирдарё вилояти кенгаши ташкил этган тадбирда беллашувнинг туман ва шаҳар босқичларида 367 нафар тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар орасидан сараланиб, ғолиб бўлган 10 нафар аёл қатнашди. Танлов низомига кўра ҳакамлар ҳайъати баҳолаш жараёнида уларнинг янги иш ўрни яратгани, экспорт салоҳияти, инвестицияларни жалб этгани каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратди.



Натижаларга кўра 1-ўрин – Боёвут туманидаги “Болғали Қилич ака” фермер хўжалиги раҳбари Гулчехра Қаршибоевага, 2-ўрин – Сардоба туманидаги 5-сонли “Қалдирғоч” МТТ раҳбари Тажинон Эшмановага ҳамда 3-ўрин – сайхунободлик гиламдўз хунарманд Ҳабиба Қаршибоевага насиб этди.

– Бу ҳаётда неки топган бўлсам, ўз севган хунаримдан топдим, меҳнатимдан топдим, – дейди Ҳабиба Қаршибоева. – Инсон умрини беҳуда ўтказмаслиги, вақтини шамолга совурмаслиги керак. Бу имкониятдан унумли фойдаланганлар, албатта, муваффақиятга эришади. Меҳнатининг самарасидан нафақат ўзи, яқинлари, юртдошлари ҳам наф кўради. Бугунги беллашувда менинг бу хулосаларим янада кучайди, олдинга интилишга рағбат олдим.

О‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ САМАРҚАНД

– Аёл тадбиркор бўлса, жамият ҳаётидаги иштироки фаоллашади, оиласининг фаровонлиги ортади, тафаккури янада кенгайди, – дейди О‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Ж. Сайфиддинова. – “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови иқтисодий-иқтисодий, аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни кашф этиш орқали замонавий ишбилармон аёллар қиёфасини яратмоқда, десак муболаға бўлмайди.



Жорий йилнинг ўтган даврида танловнинг 16 та туман, шаҳар босқичи ташкил этилди. Уларда фаол иштирок этган 562 нафар тадбиркор, фермер, хунарманд, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари орасидан 48 нафари вилоят босқичига йўланма олишди. Бугун улар мутлақ ғолиблик учун курашишяпти.

Дарҳақиқат, кўргазмадан ўрин олган бир-биридан сифатли ва ранго-ранг маҳсулотлар орасидан энг афзали, энг яхшисини танлаш осон эмас. Шундай бўлса-да, яхшилар орасидан энг яхшисини, ишбилармонлар орасидан энг фаол ишбилармонни ажратиш мақсадга мувофиқ. Зеро танловдан мақсад ҳам шу!

Узоқ тортишув ва баҳслардан сўнг якуний хулосага келинди. Тойлоқ туманидаги “Анвар Азиза инвест” фермер хўжалиги раҳбари Тавсия Хайруллаева шоҳсупанинг юқори поғонасини забт этди. Пастдаргом туманидаги “Меҳрибон ширинликлари” МЧЖ раҳбари Ўғилой Эргашева иккинчи, булунғурлик хунарманд Гулсара Қудратова учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга танлов ташкилотчиларининг диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

О‘zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Саҳифани “XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

ТАБРИКЛАР

5

*фидойи, меҳнатсевар фермерларни, деҳқонларни ва томорқа
ер эгаларини эгонажон Ватанимиз мустақиллигининг
32 йиллиги билан самимий қутлайди!*

*Мамлакатимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкинлиги йўлида машаққатли
ва шарафли хизматларингиз эътирофга лойиқ, Меҳнатларингиз
роҳатини, фарзандларингиз камолини кўринг.
Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.
Хонадонингиздан файзу барака ҳеч қачон аримасин!*



Хизматлар лицензияланган.



Жиззах вилояти
Шароф Рашидов туманидаги

“EUROAZIYA MOTORS”

МЧЖ жамоаси

*Озодлик, эркинлик, тинчлик, доруламон кунлар рамзи –
мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами билан барча юртдошлари-
мизни самимий қутлаймиз!*

*Сизларга оилавий хотиржамлик, сиҳат-саломатлик,
фаровон ҳаёт ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.*

Истиқлолимиз абадий бўлсин, азиз юртдошлар!



Хизматлар лицензияланган.



Бухоро вилояти Когон туманидаги

BGS ЖАРКОК ГИПС КОНИ “KONCHI”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ жамоаси

*сизларни буюк истиқлолимизнинг 32 йиллиги билан муबारакбод этади.
Ушл сайтин дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, нуфузига эга бўлиб бораётган
Ўзбекистонимиз таракқиёти, равиққи йўлида ҳалол меҳаб, фидойилик кўрсатаётган
халқимиз ҳамиша омон бўлишини
Дратландан сўраб қоламиз.
Мустақиллик кўри муबारак бўлсин, мухтарам юртдошлар!*

Хизматлар лицензияланган.

"XXI ASR" ГАЗЕТАСИДА МАҚОЛА БОСИЛГАЧ...

АННА ГЕРМАН ХОРАЗМГА "ҚАЙТДИ"!

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Урганч шаҳри ҳокими О. Холбоев имзолаган шаҳар ҳокимлигининг қуйидаги фармойиши қўлимизга етиб келди:

2023 йил 10 август 99-12-180-Ф/23

Маҳаллий бюджетининг захира маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасига асосан шаҳар маҳаллий бюджетининг захира маблағлари ҳисобидан қўшиқчи "Анна Герман" бюст ҳайкалини сотиб олиш ва ўрнатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун 140 651 000 (бир юз қирқ миллион олти юз эллик бир) сўм маблағ Урганч шаҳар ҳокимиятига ажратилсин.

Урганч шаҳар Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи в.в.б. Ж.Сапаевага ушбу маблағни мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришларни иловага асосан киритиш топширилсин.

Урганч шаҳар бўйича ғазначилик бўлими бошлиғи А.Атаджановга ажратилган маблағларни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин ўтказилишини таъминласин.

Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Эшчанов зиммасига юклатилсин.

Урганч шаҳар ҳокими О.Холбоев



этноқчи эканликларини билдиришди. Урганчга жўнаб кетяпман", дейди ёш ҳайкалтарош қувонч билан.

Икки йилдан ортиқ даврда "чанг босиб қолган иш" ўрнидан кўзгалгани қувонarli. Масъуллар танқидий чиқишимизга тезкор эътибор қаратишгани – оммавий ахборот воситалари чиқишларига муносабат ўзгараётганини кўрсатади.

Фақат яна бир муаммо ҳамон очик қолмоқда. Бу Бош вазир Абдулла Арипов имзолаган чора-тадбирлар режасида айнан шаҳардаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби Анна Герман номи билан аталиши ва ҳовлисига ҳайкал ўрнатилиши белгиланганди. Негадир Урганч шаҳар ҳокими О.Холбоев имзо чеккан фармойишда бу масала ҳақида лом-мим дейилмагани бизни ўйлантириб қўйди.

Мазкур мақола юзасидан Маданият вазирлиги ҳамон сукут сақлаётгани қизиқ, албатта.

Эътироф этиш жоизки, газетамизда чоп этилган мақолада кўтарилган жиддий масаланинг эздилик билан Хоразмда акс садо бериши ОАВ ҳар доим ҳукуратимиз эътиборида эканининг амалий исботидир.

ТАҲРИРИЯТ

...Орадан уч кун ўтгач, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Артур Ражабов тахририятимизга кўнғироқ қилиб, ушбу мақола учун самимий миннатдорлигини изҳор этди: "Очиғи, икки йилдан буён бу масалада мурожаат қилмаган жойим қолмаганди. Чунки машҳур санъаткор Анна Герман ҳайкалини ясашга кетган сарф-харажат ва ижодий ишим учун белгиланган гононар-қалам ҳақини ололмай ҳалак бўлиб юрдим. Энг асосийси, бу ҳайкал ҳукурат раҳбари томонидан аниқ белгилаб берилган манзилга ўрнатилмаган эди. Ҳозирча хизмат ҳақимизнинг 30 фоизини ўтказиб беришди ва қолган қисмини ўрнатилганидан сўнг тўлаб бериш шарти билан ҳайкални Урганчга олиб кетишди. Анна Герман ҳайкалини яқин кунларда ўрнатишмоқчи. Қувончли томони, олис Польшада яшаётган кўшиқчининг яқин қариндошлари мен билан боғланиб, имконлари борича ушбу тadbирда иштирок



Самарқанд вилояти Нуробод туманида
фаолият кўрсатаётган

"NURLI

ZAMIN ESM"

МЧЖ

жамоаси улуг айёмимиз Мустақиллик куни билан халқимизни
самимий мубороқбод этади!

– Албатта, озод ва обод Ватанимиз тарихи зарварақларида 32 йил зарҳал ҳарфларда ёзилишига шубҳа йўқ, Чунки ана шу ўтган даврда Ўзбекистон чин маънода улкан имкониятлар мамлакатига айланди, – дейди мазкур жамият раҳбари, Президентимизнинг 2023 йил 17 августдаги фармойишига биноан "Фаол тadbиркор" кўкрак нишони билан тақдирланган Сирожиддин ҚАРШИЕВ.

Ниятимиз – халқимиз омон ва

ҳамиша соғлом ҳаёт кечириб, узоқ умр кўриб,
бахтли, саодатли яшасин!



Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов тadbиркор Сирожиддин Қаршиевга (чапдан) "Фаол тadbиркор" кўкрак нишони топишмоқда



Хизматлар лицензияланган.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси жамоаси ҳамда "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти узоқ йиллар матбуот тарқатиш тизимида фаолият кўрсатган фидойи инсон **Рустам ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдиради.



"BOYSUN OMAD QURILISH" МЧЖ

Сифатли хизмат — халққа содиқлик ва ишбилармонга обрўдир

Чирчиқ шаҳрида фаолият юритувчи "Boysun omad qurilish" МЧЖ 2005 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Асосий йўналиши қурилиш, таъмирлаш бўлган корхонада бугунги кунда 76 нафар асосий, 28 нафар мавсумий ишчилар доимий иш билан банд.

Жамоа ўтган йиллар мобайнида республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида эллика яқин йирик – ижтимоий объект, давлат идоралари, аҳоли тураржойлари, мактаб ва боғчалар барпо этишига ҳисса қўшди.

– Фаолиятимизда сифатни асосий ўринга қўйганмиз, чунки сифат, бу халққа ҳалол хизмат ва ишбилармонга обрў дегани, – дейди корхона таъсисчиси Камилжон Сафаров. – Акс ҳолда, бугунги рақобатга дош бериш осонмас. Фурсатдан фойдаланиб, "Boysun omad qurilish" масъулияти чекланган жамиятининг аҳил ва бунёдкор жамоаси номидан мамлакатимизда яшаб, ҳалол меҳнат қилиб келаётган барча юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 32 йиллиги билан мубороқбод этаман.

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:
Ақтам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиддин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 845
Адади: 9284
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:10

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАЖАБОВ